



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА

Аскарова Бахытгуль Полатовна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиси
Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти
кафедраси ўқитувчиси
E-mail: khitgul@inbox.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8003989>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-May 2023 yil

Ma'qullandi: 28-May 2023 yil

Nashr qilindi: 31-May 2023 yil

KEY WORDS

фуқаролик,
соддалаштирилган тартиб,
фуқароликдан чиқиш,
фуқароликни тиклаш,
реинтеграция,
реабилитация қилиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тартиби берилган, ушбу миллий қонунчилигимиз таҳлили, ҳамда чет эл қонунчилигининг таҳлили, бу йўналишда миллий қонунчилигимизда мавжуд муаммолар ва чет эл қонунчилигининг таҳлилидан келиб чиқиб миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий бўшлиқлар келтирилиб ўтилган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини таъминлашнинг ўзига хос тизими шаклланиб, замон талаблари асосида ушбу фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари шакллантирилди.

2023 йил 30 апрель кунига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароликка доир масалалар ҳал қилиш тартиби қонун билан белгиланиши яна бир бор мустаҳкамланиб кўйилди¹, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги (2020 йил 13 март) қонуни фуқароликка доир муносабатларни янгича асосда тартибга солди. Ушбу қонунинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш, илтимосномага асосан мумкинлиги белгилаб кўйилган².

Фуқароликдан чиқиш бўйича юритилаётган иш ҳужжатларини ўрганиш натижалари бу борадаги амалиётда муаммоли ҳамда баҳсли масалалар мавжудлигини тасдиқлайди. Хусусан, бундай тоифадаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларида мақбул тизимнинг яратилмаганлиги бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш жараёни ўзига хос мураккабликларни (қонунчиликда аризаларни кўриб чиқиш муддати 1 йил бўлганлиги сабабли) юзага келтираётганлиги, бу борада алоҳида тоифадаги шахсларга имтиёзли шароитларнинг яратилмаганлиги аксарият фуқаролар томонидан

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель) <https://lex.uz/docs/6449035>

² Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-610 “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (2020 йил 20 март) қонуни, <https://lex.uz/docs/4761984>

белгиланган тартибда фуқароликни тарк этмасдан туриб, бошқа давлат фуқаролигини олишларига сабаб бўлмоқда.

Германия, Россия, Исроил, Қозоғистон каби давлатлар томонидан фуқароликка қабул қилинаётган шахсдан ўз фуқаролигидан расман чиқиш талаб этилмаслиги натижасида республикамизда икки фуқароликка эга бўлган шахслар улуши ортиб бормоқда. Натижада чет эл паспорти билан келган шахсни вақтинчалик рўйхатга олиш имкони бўлмаган. Мазкур ҳолат ўз навбатида норозиликка сабаб бўлган.

Бундан ташқари миллий қонунчилигимиз талаблари икки фуқаролик ҳолатини ҳуқуқбузарлик деб баҳолашга ҳам имкон бермайди Ушбу ҳолат табиийки, сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботни мустақкамлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фикримизча, бу борада аввало фуқароликдан чиқишга доир аризаларни кўриб чиқиш бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритишни тақозо этувчи ҳолатларни белгилаш лозим.

Шунингдек, мазкур масалада ўзига хос ижобий тажрибага эга Россия қонунчилигига кўра (35-м. 2-қ.):

а) чет элда доимий яшовчи Россия Федерацияси фуқаролари;

б) ота-онасидан бири Россия фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган ёхуд чет эл фуқароси бўлган ёлғиз ота (она)нинг Россия Федерацияси фуқароси бўлган фарзанди соддалаштирилган тартибда фуқароликдан чиқариладиган шахслар тоифасига киритилган.

Мантиқан қарайдиган бўлсак ҳам, юқоридаги тоифадаги шахсларнинг мамлакатда доимий яшамаслиги, ота-онаси (ёки улардан бири)нинг чет эл фуқароси эканлигини инобатга олганда уларга нисбатан фуқароликдан чиқиш бўйича умумий тартибда иш юритиш асоссиз.

Бундан ташқари, Россия (3-м. 1-қ.) ва Қирғизистон (3-м. 1-қ.) давлатлари қонунларида “фуқароликни тугатишнинг соддалаштирилган тартиби” тушунчаси келтирилган бўлиб, у ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ турли тушунмовчиликларга барҳам беради.

Ўрганилаётган масалада МДХ давлатлари қонунчилиги (фуқаролик тўғрисидаги қонунлари) иш юритиш бўйича қуйидаги тартиб ва муддатларни назарда тутати:

1) Россияда (35-м. 2-қ.) — шахс соддалаштирилган тартибда бир йилгача фуқароликдан чиқарилади³;

2) Беларусда (34-м. 2-қ.) — фуқароликдан чиқишга доир аризаларни (умумий асосларда) кўриб чиқиш муддати 6 ойдан ошмайди⁴;

3) Грузияда (38-м. 1-қ.) — фуқароликдан чиқишга доир аризаларни (умумий асосларда) кўриб чиқиш муддати 3 ойдан ошмайди⁵;

4) Қирғизистонда (24-м. 3-қ., 34-м 4-қ.) — бу борадаги мурожаатларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш муддати 1 ойдан (30 кундан) ошмайди⁶;

5) Туркманистонда (31-м. 1-қ.)⁶ — фуқароликдан чиқишга доир аризаларни (умумий асосларда) кўриб чиқиш муддати 6 ойдан ошмайди⁷.

³ Россия Федерациясининг фуқаролиги тўғрисидаги Федерал қонун (2002 йил 31 май) www.remlin.ru/acts/bank/18131/page/3

⁴ Закон Республики Беларусь от 5 января 2023 г. № 242-З (Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 10.01.2023, 2/2962) <H12300242>

⁵ Грузия фуқаролиги тўғрисидаги қонун (2022 йил 16 декабрь) 2443-сон <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/2342552?publication=7>

Қирғизистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги қонун (21 май 2007 й.) 70-сон https://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=16892

⁷ Туркманистон фуқаролиги тўғрисидаги қоун (1992 йил 30 сентябрь) 740-сон https://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=5230

Кўриниб турибдики, келтирилган ҳолатларнинг барчасида фуқароликдан чиқишга доир аризаларни кўриб чиқиш муддати қисқа ёки ишни кўриб чиқиш тартиби анча соддалаштирилган. Бу эса, шахснинг фуқароликни ўзгартириш борасидаги ҳуқуқини самарали кафолатлаш даражасини оширади.

Шу асосда, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга юқоридаги мурожаатларни умумий асосларда – 6 ойдан, соддалаштирилган тартибда – 3 ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 13-мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон қонунининг 24-моддасига қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмларни киритиш мақсадга мувофиқ:

“Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш бўйича берилган аризалар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилади:

агар фуқаро чет элда доимий яшаётган бўлса;

агар Ўзбекистон фуқароси бўлган боланинг ота-онаси (шу жумладан, ёлғиз отаси ёки онаси) чет эл фуқароси бўлса;

ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш бўйича берилган аризалар умумий тартибда олти ойдан, соддалаштирилган тартибда уч ойдан ошмаган муддатда кўриб чиқилади”.

Ушбу соҳадаги яна бир ечимини кутаётган масалалардан бири бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш масаласидир. Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс, фуқаролигини, чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида ва агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган ҳолатларга мувофиқ йўқотилган бўлмаса, у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Илтимосномада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиш сабаблари кўрсатилади.

Фуқароликни тиклаш ҳуқуқни қайта тиклаш функцияси доирасида юзага келувчи жараён ҳисобланади. Фуқароликни тиклаш (“реинтеграция” лотинча, “ре” — олдинги ҳолат; “интеграцио” — тиклаш, янгилаш) — фуқароликка доир ишларни юритишнинг муҳим компонентларидан бири бўлиб, умумий маънода илгари қайсидир давлатнинг фуқаролигида бўлган шахснинг ўз илтимосномасига асосан фуқароликка қайта қабул қилинишидир. Мазкур муносабатлар ҳар бир давлатнинг қонунчилигида ўзига хос хусусиятлар ва шартлар асосида тартибга солинади⁸.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тикламоқ” феълининг “нарсани асл ҳолига келтирмоқ, ўз ўрнига қўймоқ, рад қилинган нарсаларни қайта жорий этмоқ” деган маъноларни англатиши қайд этилган. Мантиқан қарайдиган бўлсак, фуқароликни тиклаш деганда ҳам илгари фуқароликка эга бўлиб, уни (маълум сабабларга кўра) ёъқотган шахсларнинг мазкур ҳуқуқларини тиклаш борасидаги жараённи тушиниш мумкин⁹.

Шунингдек, юқоридаги чет эл ва ўзбек олимларининг олиб борган тадқиқот ишларидан маълумки (Дж.Х.Юлдашев) фикрларидан ҳам маълумки, фуқароликка

⁸ Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2022 й. – Б. 89.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000дан ортик сўз ва сўз бирикмаси (А.Мадвалиев таҳрири остида) // URL: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf (мурожаат вақти: 17.05.2021).

тиклаш фуқароликка қабул қилишнинг умумий асосларидан жиддий фарқланувчи тартиб ҳамда хусусиятларга эга бўлган фуқароликка эга бўлишнинг мустақил асоси ҳисобланади.

Умуман олганда, фуқароликни тиклаш — муайян сабабларга кўра илгари фуқаролиги тугатилган шахсларнинг соддалаштирилган ёки оммавий (автоматик) тартибда қайта фуқароликка эга бўлишидир.

Таҳлил қилинаётган муносабатни тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун нормалари қайси категориядаги шахслар фуқароликка тикланиши мумкинлигини аниқ ифода этмайди (22-модда). Фақатгина, унинг 25-моддаси 1-қисми “а” ва “г” бандларига мувофиқ, яъни Ўзбекистон фуқаролигини шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида, шунингдек чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатгани ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш ёъли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги натижасида ёъқотган бўлса, фуқароликка тикланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида мавжуд. Шу билан бирга, илгари фуқароликка тикланган шахсларнинг бу борадаги мурожаатлари ҳам кўриб чиқилмайди.

Мазкур қонун нормасида фуқароликни тиклашнинг ҳуқуқий механизми аниқ белгиланмаганлиги муаммоли масалаларни юзага келтириши табиий. Унда (22-моддада) илгари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон фуқаролигига тикланиши мумкинлиги қайд этилган ҳолда, фуқароликни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қонуннинг 19, 37 ва 38-моддалари талаблари асосида амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу моддалар таҳлили шахсни фуқароликка тиклашга доир ишларни юритиш тартиби қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланишини яққол намоён этади:

1) ушбу тоифадаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартибида расмийлаштирилади;

2) шахс фуқароликка қабул қилишнинг умумий талабларига жавоб бериши лозим;

3) фуқароликка тиклаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар билан бир хил (айнан);

4) мазкур тоифадаги ишларни юритиш муддати фуқароликка доир (шу жумладан, фуқароликка қабул қилиш бўйича) ишларни кўриб чиқишнинг умумий муддатларига асосланади;

5) мазкур тоифадаги ишлар фуқароликка доир ишларни юритишнинг умумий процедураларидан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг сўнгги йиллардаги статистик маълумотларига кўра, давомида шахсни фуқароликка тиклашга доир ишларнинг юритилмаган. Бу ҳам ўз навбатида, фуқароликни тиклаш институтини қўллашда фуқароликка қабул қилиш тартиби ва шартлари билан ўзаро фарқланувчи механизмлари мавжуд эмаслигини тасдиқлаб, мазкур муносабатлар амалда бир хил тартиб ва шартлар асосида (умумий асосларда бирор бир имтиёзларсиз) ҳал этилишини билдиради. Натижада, қонунчилик ва уни қўллашда ушбу институтлар ўртасидаги тафовутнинг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш имкони ёъқолади¹⁰.

Шунингдек, 2021 йил 10 мартдаги фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги

¹⁰ Дж.Х. Юлдашев Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Монография 13-илова.

Низомнинг 5-боби 24, 25-бандларида, қонунни ҳаётга татбиқ этиш механизми сифатида: “илгари Ўзбекистон фуқароси бўлган шахс “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаши мумкинлиги” қайд этилган. Шу билан бирга, “фуқароликка тиклаш бўйича материалларнинг фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши” келтириб ўтилган. Кўриниб турибдики, ушбу ҳужжат ҳам таҳлил қилинаётган масалаларни тўлиқ ҳал этиш имконига эга эмас.

Қайд этиш жоизки, айрим давлатлар қонунчилигида фуқароликни тиклашнинг ўзига хос тартиб ва шартлари мавжуд бўлиб, улар фуқароликка қабул қилишга қўйиладиган умумий талаблардан жиддий фарқланади. Жумладан, Қирғизистон қонунчилиги (14, 15-моддалар) илгари ўз фуқароси бўлган доимий (қонуний асосда) яшаб келаётган шахсни соддалаштирилган тартибда (бунда, агарда унинг ота-онасидан бири Қирғизистон фуқароси бўлиб, мамлакатда доимий яшаётган бўлса ёки унинг ўзи Қирғизистон (ССР) ёки СССРда туғилган бўлса республикада доимий яшаш муддати билан боғлиқ шарт 1 йилга қадар қисқартирилади) фуқароликка қабул қилишни назарда тутди.

Шунингдек, бу борада Туркия қонунчилиги ижобий тажрибани ўзида мужассам этган. 2009 йил 29 майдаги “Туркия Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 5901-сон қонуннинг 13 ва 14-моддаларида қонун чиқарувчи фуқароликнинг тугатилиш асосларидан келиб чиқиб, уни тиклашнинг ўзига хос талабларини белгилаб берган. Жумладан, 13-моддада миллий хавфсизлик ва жамоат тартибига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда, илгари Туркия фуқароси бўлган қуйидаги шахслар доимий яшаш жойидан қатъий назар (Туркия ҳудудида ёки чет элдами) Туркия ИИВнинг қарори билан фуқароликка тикланиши мумкин:

1) илгари Туркия фуқароси бўлган ҳамда фуқароликдан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда чиқиб кетган шахслар;

2) ота-онаси билан биргаликда фуқароликни ёъқотган ёхуд улардан бирининг вояга етмаган вақтда турк фуқаролигини олиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи, қонуннинг 21-моддасида белгиланган фуқароликни танлашга доир ҳуқуқидан фойдаланмаганлиги оқибатида фуқароликни ёъқотган шахслар.

Ушбу нормалардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи юқоридаги икки банд талабларига жавоб берувчи шахсларга миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби билан боғлиқ ягона талаб қўйган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур талабларни бажарган шахсларнинг фуқаролиги ИИВ томонидан соддалаштирилган тартибда (умумий процедураларсиз) ҳал этиб берилади.

Қонуннинг 14-моддаси тартибида фуқароликка тиклаш давлат манфаатларига етказилган зарар туфайли Туркия ИИВ тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор асосида фуқароликни ёъқотган шахсларга нисбатан, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек шахс мамлакатда 3 йил давомида доимий яшаётган бўлса амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолатда фуқароликни тиклаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилади.

Кўриниб турибдики, Туркия Республикасида фуқароликни тиклаш асослари ва тартибида ўзига хосликлар мавжуд. Бунда икки хил тартибда иш юритиш тизими ёълга қўйилган. Назаримизда, мазкур тажрибани миллий тизимимизга татбиқ этиш келгусида ижобий натижаларга сабаб бўлади.

Шунингдек, И.А. Гончаров ўз тадқиқотларида асослаган фуқароликни тиклашнинг умумий асосларини белгиловчи “реинтеграция” ва фуқароликка қабул қилишнинг алоҳида шакли бўлган, ўз тарихий ватанига қайтиб доимий яшаётган шахсларнинг фуқароликни автоматик

тиклашини назарда тутувчи “репатриация” тушунчаларини қонунчиликка киритиш ҳамда фуқароликни тиклашнинг алоҳида алоҳида тартибини назарда тутиш лозим¹¹.

Қолаверса, назаримизда, фуқароликка тиклашда шахснинг фуқаролик билан боғлиқ ёъқотилган ҳуқуқларини ҳам тиклаш, унга етказилган зарарни қоплаш ва “реабилитация қилиш” чораларини ҳам кўриш лозим бўлади. Бу эса, қуйидаги тартибдаги иш юритишнинг икки хил ёндашувини жорий этиш заруратини юзага келтиради:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларнинг шахс томонидан қасддан бузилиши натижасида юзага келадиган фуқароликнинг тугатилиши (ёъқотилиши ёки бекор қилиниши) натижасида;

2) шахс билан боғлиқ бўлмаган объектив (ваколатли шахснинг нотўғри ёки ноқонуний қарорлари натижасидаги) сабаблар оқибатида юзага келувчи фуқароликнинг тугатилиши ҳолатларида.

Фикримизча, бу ҳолатда қонунчилигимизда фуқаролиги ёъқотилган ёки фуқароликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаш ҳамда шахсни “реабилитация қилиш асослари ва тартиби”ни мустақамлаш лозим бўлади. Бундан ташқари, ўрганишлар натижаси миллий қонунчилигимиз нормаларида фуқароликни тиклашга тўсқинлик (мўнелик) қилувчи ҳолатлар инobatга олинмаганлигини яққол кўрсатади.

Бу борада бир қатор МДХ давлатларининг ижобий тажрибаси мавжуд. Масалан, фуқароликка тиклашни рад этувчи асослар Россия (16-модда), Молдова (20-модда), Қозоғистон (17-моддаси)¹², Украина (10-моддаси) давлатлари қонунчилигида аниқ ифодаланган. Уларга кўра, бундай асослар қаторига қуйидагилар киради:

тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган, шу жумладан терроризм ва экстремизм жиноятларини содир этганлик;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик муддатининг тугалланмаганлиги ёки олиб ташланмаганлиги ёхуд шахснинг жиноят содир этганлиги учун қидирувдалиги;

фуқароликни тиклаш жараёнида била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этганлик;

ариза билан мурожаат қилинган кунга қадар беш йил ичида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этганлик;

бошқа давлатнинг фуқаролигига эга бўлиш ва ҳ.к.

Фикримизча, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунда ҳам юқоридаги каби ҳолатларни ўз ичига олувчи фуқароликни тиклашни рад этувчи асослар доирасини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

Юқоридаги таҳлил қилинган масалалардан келиб чиқиб, ҳуқуқшунос олим Дж.Х. Юлдашевнинг фикрига қўшилган холда, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон қонунининг 22-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилиши лозим:

“Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклашни рад этувчи асослар ҳисобланади:

тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этганлик;

¹¹ Гончаров И.А. Гражданство России и зарубежных государств: опыт сравнительного конституционно-правового исследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 10.

¹² Қозоғистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги қонун // <https://civilalliance.kz/docs/zakony/Zakon%20Respublikasi%20Kazakhstan%20ot%202020%20dekabrya%201991%20yil%2020%20№%201017-XIP%20O%20grazhdanstve%20Respublikasi%20Kazakhstan.pdf>

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик муддатининг тугалланмаганлиги ёки олиб ташланмаганлиги ёхуд шахснинг жиноят содир этганлиги учун қидирувдалиги;
фуқароликни тиклаш жараёнида била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этганлик”¹³.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель) <https://lex.uz/docs/6449035>
2. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-610 “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (2020 йил 20 март) қонуни, <https://lex.uz/docs/4761984>
3. Россия Федерациясининг фуқаролиги тўғрисидаги Федерал қонун (2002 йил 31 май) www.remlin.ru/acts/bank/18131/page/3
4. Закон Республики Беларусь от 5 января 2023 г. № 242-3 (Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь, 10.01.2023, 2/2962) <Н12300242>
5. Грузия фуқаролиги тўғрисидаги қонун (2022 йил 16 декабрь) 2443-сон <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/2342552?publication=7>
6. Қирғизстон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги қонун (21 май 2007 й.) 70-сон https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=16892
7. Туркменистон фуқаролиги тўғрисидаги қонун (1992 йил 30 сентябрь) 740-сон https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=5230
8. Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2022 й. – Б. 89.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси (А.Мадвалиев таҳрири остида) // URL: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf (мурожаат вақти: 17.05.2021).
10. Дж.Х. Юлдашев Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Монография 13-илова.
11. Гончаров И.А. Гражданство России и зарубежных государств: опыт сравнительного конституционно-правового исследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2006. С. 10.
12. Қозоғистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги қонун // <https://civilalliance.kz/docs/zakony/Закон%20Республики%20Казахстан%20от%2020%20декабря%201991%20года%20№%201017-XII%20%20гражданстве%20Республики%20Казахстан.pdf>

¹³ Дж.Х. Юлдашев Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Монография. – Т.: 2022. – Б. 95.